Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 31 июль 1969 йил, пайшанба ● № 176 (14.339). ● Баҳоси 2 тийин.

Эргаш Аҳмедов кўп йиллардан буён Самарқанд областидаги Қорақишлоқ совхозида бош агроном бўлиб ишлаяпти. У ўз ишининг моҳир устаси ва ташкилотчисидир. Бу йил совхоз далаларида мўл-кўл ғалла ҳосили етиштирилди. Бунда унинг ҳам ҳиссаси катта. Суратда: ўртоқ Э. Аҳмедов ғалла ҳосилини кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЧЎЛНИ БЎСТОН ҚИЛАМИЗ

ЯНГИ СОВХОЗ ЮКСАЛМОҚДА

Марказий Фарғонада ҳали очилмаган қўриқ-бўз ерлар кўп. Бу ерларга Андижон областининг районларидан кўплаб чўлқувар йигит ва қизлар, тажрибали деҳқонлар, механизаторлар кўчиб келиб, чўлга ҳаёт бахш этмоқдалар. Улар орасида Ленин районидаги «Оқ олтин» совхозининг марду-майдонлари ҳам бор.

Янги рўзғорнинг ўзига яраша ташвишлари, ками-кўсти бўлади. Биз кўчиб келганда бу ерлар яйдоқ чўл эди. Область хўжаликларидан келган кўчма бригадалар немигагина деҳқончилик қилиб кетишарган. Янги ўзлаштирилган ерлар кўнгилдагидек текисланмаган, баланд-паст эди. «Оқ олтин» совхози ана шу кўчма бригадалар базасида ташкил топди.

Ҳаммаси бўлиб совхозимизга 250 киши кўчиб келди. Партия ва ҳукуматимиз янги хўжаликка катта моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. 22 та ҳайдов трактори, 36 та чопиқ трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари олдик. Техникани бошқариш учун юздан ортиқ механизатор кадрларимиз бор.

Совхозимизнинг 5276 гектар ери бўлиб, шундан бу йил 2085 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. 1050 гектар ер ўзлаштирилиб чигит экилди. 300 гектар ерга шоли, 200 гектар ерга ковун-тарвуз, 300 гектар ерга маккажўхори, 200 гектар ерга беда экдик. Дастлабки йилиёқ ҳосилдорликни гектар бошига 12 центнерга етказиб, давлатга 1200 тоннадан зиёдроқ чўл пахтаси армуғон этишга аҳд қилдик. Мажбуриятимиз эса — 13 центнер! Ялпи ҳосилнинг қарийб 50 процента машинада териб олинади.

Ғўзанинг ўсиши яхши. Барча майдондаги ниҳоллар қийғос гулламоқда ва кўсакламоқда. Ҳар туп кўчатни меҳр билан парвариш қиляпмиз. Қатор оралари 4 марта культивация қилинди. Бешинчи культивацияни ҳам бошлаб юбордик. Ер янги бўлгани учунми ғўзани ўт босиб кетди. Шунга кўра чуқур кетмон чопиғи ўтказиб, далаларни ўтдан тозалаб олдик.

Исроилжон Умрзоков бошлиқ бригада далаларида ғўза барк уриб яшнаяпти. Бригада аъзолари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 15 центнердан «оқ олтин»ни етиштиришга сўз беришган. Исроилжон бригадиргина эмас, энг яхши механизатор ҳам. Бригададаги барча майдонга ўзи чигит экди. Культивацияни ҳам ўзи ўтказяпти. Исроилжон тракторни моҳирлик билан бошқариб, кунига 7-8 гектар майдондаги ғўзани культивациядан чиқармоқда.

Абдусаттор Саркоров бошлиқ бригадада ҳам ғўза парвариши кун сайин кучайтирилаётир. Охунжон Жўраев, Тошпўлат Фозилов ўртоқлар каби механизаторлар ҳам ғўзани культивация қилишда фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Механизаторнинг иши сувчининг меҳнати билан кўзга ташланади. Чунки у қатор ораларини яхши культивация қилиб, эгат олган такдирдагина экин қониб сув ичади, миробнинг иши анча енгиллашади.

Совхозимизда тупроққа сувни сингдириш хусусиятлагини беш бармоқдек биладиган 59 сувчи бор. Биз сувчиларнинг ишини сменали ташкил этганчиқ. Тунги сувчиларни фонарлар билан таъминлаганмиз. Энг яхши сувчиларни рағбатлантириб турамиз. Азимжон Болтабоев, Акрамжон Собиров, Абдуназзор Турғунов, Собиржон Зобиров каби уста сувчилар ғўзани яшнатмоқдалар.

Балиқчи райони пахтакорлари ғўза парваришни сентябрь ойигача давом эттирамиз, дегчи ташаббус билан чиқдилар. Совхозимиз коллективи бу ташаббусга қўшилди. Биз ҳам ғўзамизни пахта очилганга қадар парвариш қилаверамиз ва ҳар туп экининг серҳосил бўлиб ривожланишига эришамиз.

Лутфулла БАҲРОМОВ,
Андижон область, Ленин районидаги «Оқ олтин» совхозининг директори.

ҒАЛЛАКОР ЎРТОҚЛАР!

● 1. 500 000 тонна дон етиштириш учун курашнинг энг қизғин ва масъулиятли даври келди ● *Бутун куч ва техникани ғалла ўримйиғимига сафарбар этиб, бошоқли донни тезроқ саранжомлаб олинг* ● Давлатга дон топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни қисқа вақт ичида бажарайлик ● Чорва моллар учун кўплаб сомон жамғаринг ● *Кузги дон экишга ҳозирдан шайланинг.*

МОСКВА ДЕКАДА ҚАТНАШЧИЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

МОСКВА, 30 июль. (**ЎзТАГ махсус мухбири**). РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси тамом бўлай деб қолди. Декада қатнашчилари Горький ва Қозонда бўлиб, республика меҳнаткашларининг самимий саломларини Ильич ҳамшаҳарлари — Ульяновск аҳолисига топширганларидан кейин бугун Москвага келишди.

Ватанимизнинг пойтахти Ўзбекистон вакилларини шоду-хуррамлик билан кутиб олди. Декада қатнашчилари тушган самолётлар бирин-кетин қўнган Внуково аэропортида Москва меҳнаткашларининг вакиллари тўпланди.

Москвалиларнинг жуда кўп вакиллари гулдасталар кўтаришиб Қозон вокзалига келишди. Вокзалнинг катта перронига илиб қўйилган транспарантга рус ва ўзбек тилларида ёзилган сўзлар пойтахтдаги бутун аҳолининг чуқур туйғуларини ифода этар эди: «Москваликлар совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати арбобларини самимий табриклайдилар». Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Е. С. Насриддинова бошчилигидаги республика ҳукумат делегациясини, ижодий союзларнинг раҳбарларини ва декаданинг поездда Москвага келган бошқа қатнашчиларини РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари О. П. Колчина, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Е. Ф. Карпова. КПСС Марказий Комитети маданият бўлими мудирининг биринчи ўринбосари З. П. Туманова, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева, Россия Федерациясидаги ижодий союзлар ва ташкилотларнинг вакиллари кутиб олишди.

Декада қатнашчиларни Кремлдаги съездлар Саройи кутиб турибди. 31 июлда съездлар Саройида республика санъат усталарининг якунловчи концерти бўлади.

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Колхозимизда чорвачилик асосий тармоқ хисобланади. Шу билан бирга, хўжалигимизда пахтачилик ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Биз энг қимматли хомашё-ингичка толали пахта етиштирамиз. Ҳар йили катта-катта майдонларга-суғориладиган ерларга куз ва баҳорда дон экамиз.

Ташаббускор деҳқонларимизнинг ва азамат чорвадорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли пахтадан, бугдой ва арпадан йил сайин мўл ҳосил олиб келинмоқда.

Ерларимизнинг тупроқ хоссаларига ва структурасига қараб дон навларининг тўғри танлаб экилаётганлиги арпа ва бугдойдан мўл ҳосил олишда катта аҳамиятга эга бўлаётир. Колхозимизда бугдой ва арпанинг «Қизил шарқ», «Безостая-1», «Олтин бугдой», «Унумли арпа» каби навлари экиб келинмоқда. Бу навлар узоқ йиллар давомида маълум бир участкада экилади. Яъни бир йил «Қизил шарқ» нави экилган далага иккинчи йили «Безостая-1» ёки «Унумли арпа» ва бошқа навнинг экилишига йўл қўйилмайди. Бундан мақсад — тупроқни бир хил навга қўниктириб олишдир. Бу тадбир кутилган натижани бермоқда.

Ўтган йили кузда, бу йил баҳорда 750 гектар суғориладиган ерга бугдой, 500 гектар майдонга арпа экдик. Тўғри, бу йил қиш қаттиқ ва баҳор совуқ келиб, дала ишлари мураккаблашди. Баҳорги дон экиш кечикди, ғалла майсаларининг ўсиши ва ҳосил олиши орқага сурилди. Лекин ғаллакорларимизнинг астойдил меҳнати, ишчилар синфи яратиб берган қудратли техника, мўъжизакор кимёвий препаратлар ва минерал ўғитлар олдида табиат инжиқликлари таслим бўлди. Майса қатор оралари икки марта эҳтиёткорлик билан юмшатилди, дориворлар билан озиқлантирилди ва қондириб суғорилди. Ҳар гектар ерда бир миллион 200 минг туп майса бўлиши таъминланди, ғалланинг ётиб қолишига йўл қўймаслик учун ҳамма чоралар кўрилди. Шу тариқа кечикишнинг ўрни тез вақт ичида қопланди. Ғалладан ҳар йилдагидан юқори ҳосил етиштирилди.

Ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдик, комбайнчиларнинг ва уларга ёрдам берувчиларнинг, дон ташувчиларнинг унумли ишлашлари учун уларга барча зарур шароит яратиб берилди. Ғаллазорларимизда бешта комбайн унумли ишлаб турибди. Ўзиюрар комбайнлардан тўкилган ва хирмонларда янчилган дон давлатга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Шу йил билан дон тайёрлаш планлари биридан кейин иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси, бешинчиси... муваффақиятли бажарилди. Қабул пунктига дастлабки пландаги 60 тонна ўрнига ҳозирга қадар 600 тонна арпа ва бугдой топширилди. Арпа ўрим-йиғими тугалланди. Бугдой ўриш қизғин давом эттирилмоқда.

Якинда область ғаллахорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда колхозимизнинг ғалладан юқори ҳосил етиштириш ва дон тайёрлаш соҳасида эришган муваффақиятларни тилга олишди. Шу кенгашда яна олти йиллик пландагидан кўпроқ миқдорда дон тайёрлаш, яъни беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 60 тонна эмас, балки ҳаммаси бўлиб 1000 тонна бугдой ва арпа етказиб бериш мажбуриятини олдик.

Сўзимизнинг устидан чиқиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Анчагина майдондаги бугдой ҳали ўриб олинганича йўқ. Янчиб олишга улгурмаган бугдойимиз ҳам бор. Ғалла ўриш ва янчиш ишларини янада жадаллаштириш йўли билан давлатга дон сотиш юзасидан олган мажбуриятимизнинг тезроқ бажарилишига эришамиз.

Сомоннинг ҳаммаси қишда молларга едириш учун тўплаб қўйилмоқда. Ғалладан бўшаган ерлар кузда дон экиш учун шудгор қилинмоқда. Дон экишга сентябрь ойи бошларида киришамиз. Ғаллазорлар тупроғи шунга мослашган.

Я. ОМОНОВ,
Қашқадарё область, Қарши районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Ульяновск область комитети, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети Россия Федерациясида ўзбек адабиёти ва санъати декадаси вақтида В. И. Ленин туғилиб ўсган шаҳар меҳнаткашларининг қардош ўзбек халқи маданияти, санъати ва адабиёти билан, унинг талантли намояндалари билан кенг танишиб чиқиш имконини берганликлари учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Ульяновск шаҳрида ўзбек адабиёти ва санъати кунларининг ўтказилиши совет Ўзбекистонининг шаҳлан миллий ва мазмунан социалистик маданияти ҳар томонлама ривожланиб, гуллаб-яшнаганлигини исбот этувчи янги далил бўлди.

Ульяновск шаҳри ва области меҳнаткашларининг Ўзбекистон маданияти ва санъати ато қилган арбоблари билан илиқ ва самимий учрашувлари ульяновскликлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади ҳамда қардош ўзбек халқи билан бузилмас дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари эришган ажойиб муваффақиятлар барча совет кишиларини қувонтирмоқда, ҳар бир совет кишисининг қалбида кўп миллатли қудратли Ватанимиз учун, бизни коммунизм йўлидан дадил бошлаб бораётган ленинчи партия учун ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси. нинг Ульяновск область комитети, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети совет Ўзбекистонининг маданият, адабиёт ва санъат ходимларига, республиканинг барча меҳнаткашларига республика экономикаси ҳамда маданиятини ривожлантиришда, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда янги-дан-янги муваффақиятларга эришувларини тилайдилар.

КПСС УЛЬЯНОВСК ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ,
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ
1969 йил, июль.

ҚАЙНОҚ ҚАЛБЛАР

Мирзачўлнинг сийнаси — «оқ олтин» хазинаси, дейди халқимиз. Чиндан ҳам асрлардан-асрларга оқар сувга ташна бўлиб ётган азим чўл эндиликда ўз бойликларини халқимизга инъом этмоқда. Қўриқ ердаги совхозлар бу йил мамлакатга 150 минг тоннадан зиёдроқ пахта етказиб беришади. Ҳозир далаларда шунга яраша меҳнат қилиняпти. Пахтакорга девкор техника мадад бермоқда, оғирини енгиллаштирмоқда. Буни қўйидаги мисралардан ҳам уқиб олиш мумкин.

* * *

Ҳар йили кузакда машиналарни пахтаси очилган майдонларда кўришга одатланиб қолганмиз. Лекин, ажойиб агрегатлар пахта пишмасданоқ далаларда жавлон ура бошлади. Булар, — ғўзани чеканка қиладиган агрегатлардир.

Эгатма-эгат оралаб ғўзани чилпиб юрган ва бу ишга кўп вақтини сарфлаган пахтакор энди чеканка қилувчи машиналарга таяниб колди. Бу машиналар бир йўла бир неча қатордаги ғўза тупларини кўнгилдагидек чеканка қилиб кетади.

Яқинда Мирзачўлдаги Герман Титов номли совхоз далаларида бўлганимизда ана шу агрегатларнинг жадал ишлаётганлигини кўриб беҳад қувондик. Уммат Оллоёров бошлиқ олтинчи бўлимда механизатор Давлат Мамбетов кунда ўн гектар майдондаги ғўзани машинада чеканка қилаётган экан. У чеканка қилган майдонлардаги ғўзалар бўйига эмас, энига — калта бўйин, машинабоп бўлиб ўсмоқда.

Герман Титов номли совхозда чеканка қиладиган машиналардан 43 таси ишлаб турибди. Машиналар чеканкага тушиши муносабати билан бу ишга ажратилган 400 киши бошқа юмушларга жалб этилди.

6100 гектар майдондан 14 минг тонна пахта топширишга аҳд қилган совхоз коллективи барча бригадаларда мўл ҳосил етиштирмоқда. Ҳосил тўплашда ғўзани машинада чеканка қилиш муҳим омил бўлмоқда.

* * *

Баркашдай қизариб турган ой тун пардаларини нурга чулғаган. Айни саҳар. Хаммаёқда сукунат. Шу маҳал пайкал ўртидан қимларнингдир овози қулоққа чалинади. Саҳар турган ким ўзи? деб ажабланасиз.

Сира ажабланманг. Саҳар уйғониб, пахтазорга келган бу одамлар чўл лочиндари — Ильич районидаги Герман Титов номли совхоз бешинчи бўлимининг сувчилари Абдугани Умаров, Эшмамат Оққулов, Эшбой Бектемиров ва уларнинг шерикларидир.

Биргина бугун эмас, ҳар саҳар шундай, ҳар сафар шундай! Об-ҳаёт таратувчилар қартуп ғўзани сувга кондиришяпти, серҳосил қилиб ўстириш учун нималки зарур бўлса, барчасини бажо келтиришяпти. Айниқса ҳозирги дамларда миришкорлар ғўзаларни кўпинча тунда суворишга жиддий эътибор бераётирлар.

Биз номларини тилга олган мироблар билан тагин 52 ошла Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан чўлга кўчиб келган. Азаматлар жуда кўп ишларни амалга оширишди. 570 гектар ерга бу йил баҳорда чигит экилди. Сафар Маликов бошқараётган бўлим деҳқонлари ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин»ни етиштирамиз, дейишяпти.

Ваъда — амалий иш билан чиройли. Бўлим пахтакорлари ҳар гектар майдонда 100 минг туп кўчат бўлишига эришдилар. Маромида культивация қилиниб, озиқлантирилган ва меъёрида суғорилган ғўзаларнинг ҳар тупида ҳозир 3-4 тадан тўқ кўсак санаш мумкин.

— Августни ҳам мўл ҳосил тўплашда ҳал этувчи ой деб эълон қилдик, — дейди бўлим бошқарувчиси ўртоқ С. Маликов, — ғўзаларимизни пахта очилгунча парвариш қилаверамиз. Социалистик мажбуриятимизнинг бажарилишига таъминлайдиган миқдорда «оқ олтин»ни етиштириш учун агротехниканинг ҳамма тадбирларини ўз вақтида амалга оширaверамиз.

Бўлим бошқарувчиси чўлқуварлар фикрини ифодалаб ана шу сўзларни айтди. Ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ривожлантириш ишига механизаторлар билан бир қаторда тунни кунга улаб меҳнат қилаётган сувчилар ҳам катта ҳисса қўшаётирлар.

* * *

Ям-яшил пахтазор бамисоли денгиздек чайқалади. Пайкал четларида қўлига қизил байроқча ушлаган одамлар кўринади. Булар — сигналчилар. Қанақа сигналчилар дейсизми? Самолётларнинг қайси пайкал тепасида қанча баландликда учишини кузатиб турувчи ва уларга пастдан туриб йўл-йўриқ кўрсатувчи сигналчилар улар.

Бирдан тепада қўш қанотли «Ан-2» самолётлари пайдо бўлди. Граждан-ҳаво флотининг кумуш қанотли «қуш»лари пастдаги сигналчиларнинг ишораси билан пахтазор узра парвоз қилиб, дори сепа бошлайди.

Булар кимлар? Граждан-ҳаво флотининг учувчилари — «Ан-2» самолётининг командири Леонид Григорьевич Скибин, унинг ёрдамчиси Мирза Аҳмедов ўртоқлардир. Улар Мирзачўлдаги «КПСС XXIII съезди» совхози пахтакорларига ёрдамга келишган. Ҳар куни пахтазорлар тепасида парвоз қилиб, 260-300 гектар ердаги ғўзага кимёвий дорилар сепишяпти.

«Ан-2» самолётининг экипажи Мирзачўлдаги бошқа совхозларнинг коллективларига ҳам кўмаклашади. «Қанотли» агрономларнинг олижаноб ишларидан барча мамнун.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УНВОН МУБОРАК

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САВДО ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада савдо ва умумий овқатланиш соҳасида кўп йиллар самарали ишлаганликлари ҳамда уни ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвони берилсин.

Абдусаматова Шарифа Иброҳимовна — «Ўзбекбирлашув» правлениесининг бош товароведи.

Аъзамов Азиз — «Ўзтекстильторг» республика конторасининг бошқарувчиси.

Одилова Меҳри — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги Давлат савдо инспекцияси республика бошқармасининг бошлиғи.

Алимова Тўти — Самарқанд область Янгийўл матлубот жамиятига қарашли 10-магазин мудири.

Бекжонова Ажар — Қорақалпоғистон АССР Тошкўпир район матлубот жамиятига қарашли магазин мудири.

Гуржиев Аршак Нерессович — Самарқанд горпромторгига қарашли хўжалик ҳисобида ишловчи 11-магазин директори.

Долин Ҳаим Лейбович — Қашқадарё область матлубот союзи правлениеси раисининг ўринбосари.

Димшиц Сан Михайлович — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги савдо ва тажриба айирбошдашиш ташкил этиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Имомов Ҳошимжон — Қўқон умумий овқатланиш трестига қарашли 29-ошхонанинг бош ошпази.

Қўшоқов Маъмур Исмоилович — Тошкент шаҳридаги Фрунзе район ошхоналар трестининг директори.

Нурумова Тўйли — «Голодностепстрой» ишчилар таъминоти бошқармаси Янгиер ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 3-магазин сотувчиси.

Осипов Иван Павлович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети моддий-техника таъминоти бош бошқармаси ҳузуридаги «Узглавтара» бошлиғи.

Расулов Ахад Расулович — Тошкент область матлубот союзи правлениесининг раиси.

Рязанова Мария Васильевна — Андижон горпромторгига қарашли 46-магазининг бош сотувчиси.

Саврадин Татьяна Ивановна — Сирдарё область Пахтаорол район матлубот союзига қарашли Ленин номли матлубот жамияти ресторанининг бош ошпази.

Соқиев Маматохун — Андижон умумий овқатланиш трести «Отадар» чойхонасининг бош ошпази.

Тоннинц Сурен Леонович — Тошкент область матлубот союзи Оржоникидзе кооператив савдоси бошқармасининг бошлиғи.

Турсунов Орифжон — Тошкент ресторанлар трестига қарашли «Тошкент» ресторанининг цех мудири.

Умарова Ойша Ёқубовна — Бухоро область Ромитан матлубот жамиятига қарашли 1-магазин мудири.

Усмонова Ортиқжон — Андижон область Кўрғонтепа матлубот жамиятига қарашли магазин мудири.

Хожиев Туроб Хожиевич — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги «Узхозторг» республика базасининг бошқарувчиси.

Эшонкулова Умухон — Наманган область Учқўрғон матлубот жамиятига қарашли 7-магазин мудири.

Юнусов Толип — «Ташобувьторг»га қарашли 18-магазин мудири.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 30 июль, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия органларида узоқ йиллар ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент область Юқори-Чирчиқ район комитетининг биринчи секретари Илья Иванович Ладушин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Савдо ва умумий овқатланиш системасида кўп йиллар самарали ишлаганликлари учун савдо ва умумий овқатланиш ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН АТЛАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва СССР Министрлар Советининг геодезия ва картография бош бошқармаси Ўзбекистон ССР атласини 1963 йилда нашр этган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уни қайтадан нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига Давлат плани, Олий ва ўрта махсус таълим ва қишлоқ хўжалик министрликлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон ССР атласини қайта нашр этиш топширилди.

ШОИРГА ҲАЙКАЛ

Республикамиз меҳнаткашлари машҳур рус шоири Александр Сергеевич Пушкин номини ҳурмат билан тилга оладилар. Унинг бой ижодий мероси ўзбек совет адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнади. А. С. Пушкин номини абадийлаштириш мақсадида кенг жамоатчиликнинг истагини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳридаги А. С. Пушкин номли майдонда А. С. Пушкинга ҳайкал ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди.

МАЙИЗ КЎПАЯДИ

Колхоз, совхоз ҳамда бошқа давлат хўжаликларида майиз етиштиришни янада кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу йил 15 июлдан бошлаб давлатга майиз сотиш баҳосини 15 процент миқдорида оширишга қарор қилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига майиз тайёрлаш соҳасида ишлайдиган колхозчилар, совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлиги ва меҳнат ҳақини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларини қайта кўриш ва ҳал этиш топширилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси зиммасига колхоз ва совхозларни етарли миқдорда патнис, қоп-қанор, узум қуритиш учун зарур бўлган анжомлар билан таъминлаш юкланди.

ФЕРМА КОММУНИСТЛАРИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Карл Маркс номли колхоз уч тўрт йил аввал чорвачиликдан нуқул зарар кўрарди. Колхоз партия комитети бу соҳага тажрибали мутахассислари жалб этди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилди.

Чорвачилик фермасида партия ташкилоти тузилди. Илғор сут соғувчи Ашурхон Чиллаева секретарликка сайланди. Партия ташкилоти ишни фермадаги қолоқлик сабабларини ўрганишдан бошлади.

Чорвачиликни янада ривожлантириш мустаҳкам озуқа базаси яратишга боғлиқ. Шу сабабли партия ташкилоти ишнинг бу томонига алоҳида эътибор берди. Илғари маккажўхори унумсиз ерларга экиларди. Беда майдонлари кескин камайиб кетган эди. Бу соҳада колхоз правлениеси ва партия ташкилоти олдига қатор талаблар қўйилди. Улар бу ҳақли талабларга эътибор билан қарадилар. Натижада колхоз чорвачилигидаги камчиликлар бартараф этилди.

Чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш партия ташкилотининг жонажон иши бўлиб қолди. Коммунистларнинг ҳаракати билан фермада махсус хона ажратилиб, жиҳозланди. У ерда чорвадорлар ишдан кейин маданий ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар мавжуд.

Мана шулар туфайли чорвадорлар ўртасида меҳнатга, касбга муҳаббат, изланувчанлик тобора ошиб бораяпти. Колхоз чорвачилиги зарар келтирадиган соҳадан рентабелли тармоққа айланди. Бултур колхоз давлатга чорвачилик маҳсулотларини кўплаб сотиб, қариб 30 минг сўм фойда кўрди.

Шу кунларда чорвадорлар беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун қизғин курашмоқдалар. Мусобақанинг ташаббускори ва авангарди коммунист ҳамда комсомоллар бўляпти. Масалан, Ашурхон Чиллаевани олайлик. У ферма партия ташкилоти секретарлиги вазифасини намунали бажариш билан бирга ишлаб чиқаришда ҳам бошқаларга ўрнак бўляпти. Ўртоқ Чиллаева ўтган йили ҳар бир сигирдан 1800 килограммдан сут соғиб олган эди. Бу йил эса ҳозиргача 1300 килограммдан сут соғиб олди. Коммунист сут соғувчилардан Озодахон Комилова ва Тўхтахон Акбаровалар ҳам кундан-кунга яхши натижага эришмоқдалар. Улар ҳам ҳозиргача ўз қарамоқларидаги сигирлардан 1200-1250 килограммдан сут соғиб олдилар. Коммунист Тожибой Бойматов эса бузоқларни соғлом ўстиряпти.

Ферма жонкуярлари — коммунистларнинг ғайрат ва ташаббуси билан колхозда давлатга гўшт, тухум сотиш йиллик планлари иккинчи квартал бошларидаёқ ошириб бажарилди. Ярим йиллик сут тайёрлаш плани эса муддатидан бир ярим ой илгари адо этилди. Чорвадорлар давлатга сут сотиш йиллик планини 1 октябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Яқин вақтгача Жданов номли колхозда ҳам чорвачиликнинг аҳволи яхши эмасди. 1966 йил охирларида Инобатхон Ҳамроқулова колхоз партия комитетининг секретари этиб сайланди. Коммунистлар ҳисобот-сайлов йиғилишида унга кўпроқ чорвачиликка эътибор бериш юзасидан наказ бердилар.

Коммунистлар таклифи натижасиз қолмади. У дастлабки кунларданоқ кўп вақтини фермаларда, чорвадорлар орасида ўтказди. Уларнинг талабларига қулоқ солиб, ички резервларни ўрганди. Чорвачиликни бирикки йил ичида фойда келтирадиган тармоққа айлантириш мумкин деган хулосага келди. Бунинг учун эса биринчи навбатда меҳнатни тўғри ташкил этиш, ҳар бир чорвадорнинг иш натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш зарур эди. Бундан ташқари моллар наслини яхшилаш, емхашакни кўпайтириш, оғир қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш керак.

Партком секретари ана шу резервларни колхоз правлениеси, чорвачилик мутахассислари, ферма коммунистлари ёрдамида ишга солди. Натижада чорвачиликдаги сарф-харажатлар йилдан-йилга озайиб борди. Бу колхоз ўтган йили чорвачиликдан анчагина фойда кўрди.

Райондаги «Ленинград» (партком секретари И. Йўлдошев) «Коммунизм» (партком секретари А. Мамажонов), «Шарқ юлдузи» (партком секретари Т. Раҳмонов), Энгельс номли (партком секретари М. Ҳасанова) колхоз партия комитетлари ҳам чорвачиликка алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Улар ферма партия ташкилотлари жанговарлигини ошириб, коммунист ва комсомолларни жой-жойига тўғри қўйиш ҳақида гамхўрлик қилмоқдалар.

Ҳозир райондаги 23 колхознинг 21 тасида ферма партия ташкилоти тузилган. Улар атрофига 150 га яқин коммунист уюшган. Бундан ташқари ҳар йили ўрта мактабни битирган кўплаб ёшлар чорвачилик фермаларига ишга келяпти. Шу кеча-кундузда чорвачиликда 400 дан ортиқ комсомол-ёшлар ишлаб турибди.

Район партия комитети ферма партия ва комсомол ташкилотлари секретарларини тарбиялаш ва ударнинг ташаббускорлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда уларнинг семинар-йиғинишлари ўтказиляпти. Бюро йиғилишларида ферма партия ташкилотлари секретарларининг ҳисоботлари тингланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиляпти. Жумладан, район партия комитети ўтган бир ярим йилдан ортиқ вақт ичида ферма партия ташкилотлари секретарларининг беш марта семинарини ўтказди. Уларда ферма ходимлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, коммунистларга партия топшириғи бериш ва унинг ижроси учун курашиш, коммунистларни топширилган ишга нисбатан юксак масъулият ҳисси билан қараш руҳида тарбиялаш ва бошқа масалалар бўйича докладлар ўқилди. Бу соҳада намуна кўрсатаётган илғор партия ташкилотларининг иш тажрибаси оммалаштирилди.

Район партия ва комсомол комитетлари ҳамда колхоз партия комитетларининг амалий ёрдамини сезиб турган ферма партия ва комсомол ташкилотлари ўз сафларини тобора мустаҳкамлаб боряпти. Коммунист ҳамда комсомолларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашлари натижасида чорвачиликда йилдан-йилга яхши натижага эришиляпти. Буни шу мисолдан ҳам кўриш мумкин. Районда кейнигги тўрт йил ичида қорамоллар сони 13 минг 561 бошдан 17 минг 228 бошга, қўйлар 39 минг 856 бошдан 58 минг бошга, паррандалар 10 минг 223 тадан 39 минг 900 тага етди. Шу давр ичида гўшт етиштириш 2,5 бараварга, сут ва тухум етиштириш 2 бараварга ортди. Кўпчилик колхозларнинг суттовар фермаларида сут соғиш ва бошқа ишлар механизациялаштирилди. Ҳозир колхозларнинг кўпчилигида чорвачилик рентабелли тармоққа айланган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XV пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган район чорвадорлари шу кунларда астойдил ишламоқдалар. Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш юзасидан мусобақа тобора қизитиляпти. Ферма партия ташкилотлари ва улар атрофига уюшган коммунистлар талабани таъминлашда ташаббускор бўлмоқдалар.

Қ. ШОДМОНОВ,
Фарғона область, Қува райони.

Фотолавҳалар

Марғилон «Атлас» фирмаси коллективи ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда социалистик мусобақа илғорлари сафи кенгайиб бораяпти. Суратларда: корхонанинг энг яхши йигирувчиси Рўзихон Бойматова (юқорида) ва пастдаги суратда 26 йилдан буён атлас тўқиётган коммунист Малиҳахон Қаҳҳорова ўртоқлар.

Ф. Лутфиллаев фотоларн.



Суратда: Тошкент химия-фармацевтика заводининг пешқадам ишчиси Ёқутхон Малинова. У смена топшириқларини ҳамиша орттириб бажаришга эришмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

АЙНИ МУДДАО

Партия ва ҳукуматимиз капитал қурилиши масаласига катта эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг уй-жой — граждан қурилиши сифатини яхшилаш чоралари тўғрисида чиқарган қарори фикримизнинг яна бир ёқин далилидир.

Серқуёш республикамиз пойтахти Тошкентда ва бошқа шаҳарлар ҳамда посёлкаларда капитал қурилиши индустриал изга кўчирилди. Йирик панелли уй-жой қурилиши кенг қулоч ёйди. Қурилиш ишларида йирик панеллар ва йирма уйлардан фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлиги ошди ва қурилиш таннархи бирмунча арзонлашди. Ғишт териш каби сермашаққат ишлар анча камайди.

Тошкент шаҳрида йирик панелли уй-жой қурилиши кейинги йилларда кенгайиб кетди. Ҳозир пойтахтимизда иккита уйсозлик комбинати, битта йирик панелли уй-жой қуриш трести, бир неча заводлар ишлаб турибди. Бизнинг 1-уйсозлик комбинатимиз 1960 йилда дастлабки маҳсулотни бера бошлаган эди. Ўтган тўққиз йил мобайнида 1,5 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой темир-бетон панелдан ишлаган бешта болалар экспериментал богчаси, 80 га яқин магазинлар қуриб фойдаланишга топширдик. Комбинатимиз биноларидан қурган уй-жойларда 50 минг оила ёки 150 мингдан ортиқ аҳоли яшамоқда.

Ўтган йили янги ускуналар билан жиҳозланган завод фойдаланишга топширилди. Мазкур завод дунёда биринчи бор 9 балли ер силкинишларига бардош берадиган тўққиз қаватли уйлар панелини ишлаб чиқарди. Ана шу панеллардан «Халқлар дўстлиги» проспектида ҳар бири 162 квартирадан иборат иккита уй қад кўтариб турибди.

Комбинатимиз коллективи ишлаб чиқариш топшириқларини ортиқи билан бажариб келмоқда. Шу йилнинг беш ойи мобайнида пландаги 9 миллион 718 минг квадрат метр ўрнига 10 миллион 312 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу эса 106 процентни ташкил этади. Меҳнат унумдорлиги плани ҳам юз фоиз бажарилди.

Маълумки, комбинатимиз йирик панелли уй-жойларни ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотлардан тиклайди. Бош бошқарма планлаштириш бўлимининг ишидаги чалкашликлар маҳсулот ишлаб чиқариш билан уй-жойни фойдаланишга топириш плани ўртасидаги номуносиблик ишларимизга катта зарба бермоқда. Чунончи план бўйича 268 минг квадрат метр уй-жой қуришимиз учун йилига 240 минг кубометр йирма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришимиз керак бўлади. Шунга қарамай, Бош бошқарма план бўлими 384 минг кубметр йирма темир-бетон ишлаб чиқаришни планлаштирган. Агар биз шунча миқдорда темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган бўлсак, ҳар йили 140 минг кубометр маҳсулот ортиқча ишлаб чиқарилган бўлур эди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Қарорида эса планлаштиришдаги бундай чалкашликларга барҳам бериш лозим эканлиги алоҳида қайд этилган.

Бизнинг комбинатимиз ҳам йирик панелларни архитектура жиҳатидан безатиб чиқариши мумкин. Бироқ, бунинг учун рангли цемент ҳамда рангдор сопол кошинлар керак бўлади. Мана, икки йилга яқин вақтдан бери республика бинокорлик материаллари саноати министрлиги рангли цемент ишлаб чиқариш юзасидан берган ваъдасини бажармай келяпти.

Қарорда уй-жой биноларининг хоналарига девор орасига ўрнатиладиган шкафлар қўйиш ҳамда аҳоли талабига мувофиқ мебеллар билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бу анча қулай ва тежамли усул. Комбинатимиз монтажчилари махсус мебеллар ва шкафлар бўлмаганлиги туфайли бу ишни дурадгорларимиз бажаришади. Республикамиздаги бирорта дурадгорлик буюмлари заводи девор орасига ўрнатиладиган шкафлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиргани йўқ. Фикримизча, Тошкентдаги ёғоч буюмлари заводларининг бир нечтасини ана шундай шкаф ва мебеллар ишлаб чиқариш учун мослаштириш мақсадга мувофиқдир.

Очиқ эътироф этиш керакки, биз кўпинча қурилиш-монтаж ишлари планини бажаролмай қоляпмиз. Бунинг айрим сабабларини айтиб ўтишга тўғри келади. Биринчидан уй-жой қуриш плани берилгани ҳолда майдон ажратилмайди. Шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси ўз вақтида майдонларни эски биноларидан тозаламайди. Бунинг натижасида қурилиш-монтаж ишлари кечикиб бошланади.

Ишимизга салбий таъсир этадиган фактлардан яна бири лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида тайёрлаб берилмаётганлигидадир. У ёки бу уй-жой массивида шунча квадрат метр уй-жой қурасан, дейилади-ю, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида берилмайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларининг кечикиб берилганлиги оқибатида биринчи Қўйлиқ массивида қурилган 25 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилмай турибди. Чунки у уйларда коммуникациялар ўтказиш ишлари тугалланмаган. Чилонзордаги «Д-20» ва «Ташавтомаш» уй-жой массивларида ҳам аҳвол худди шундай.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг уй-жой — граждан қурилиши сифатини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори биз монтажчилар ва қурувчилар учун айни муддао бўлди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигига жавобан В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтирган ҳолда астойдил меҳнат қиламиз. 1969 ва 1970 йилнинг апрель ойигача 370 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширамиз.

А. КОШИПОВ,
1-уйсозлик комбинатининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

МАТБУОТ АКТИВЛАРИ СЛЁТИ

ГУЛИСТОН. Бу ерда Сирдарё область ишчи ва қишлоқ мухбирларининг иккинчи слёти бўлди. Улар область партия комитети секретари М. Умбетовнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик муносабати билан область ишчи ва қишлоқ мухбирлари вазифалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

ГЎШТ ФАБРИКАСИ

Республикамиздаги колхозлараро бўрдоқичилик пунктлари гўшт етиштириш ва давлатга топшириш ишини ташкил қилишяпти. Улар ҳозиргача ҳар бош қорамолни 300 килограммгача, ҳар бош чўчқани 100-110 килограммгача, қўй ва эчкиларни 40-50 килограммгача семиртириб, гўштга топширишди.

Бу йил тағин 32 та колхозлараро бўрдоқичилик пунктлари ташкил этилади. Республикадаги ана шундай пунктлар бу йил 67 минг бош қорамолни, 27 минг бош қўй ва 14 минг бош чўчқани семиртириб, давлатга сотадилар. Бундан ташқари улар мамлакатга 13 миллион дона тухум етказиб беришади.

Яқинда Самарқанд шаҳрида колхозлараро бўрдоқичилик пунктларининг директорлари, бош зоотехникларининг семинари бўлиб ўтди. Гўшт етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

И. ГЕРМАНОВИЧ.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан

ТЕМИР ДИВИЗИЯ

Александр ИСБАХ

...Қудратинг зўр сенинг, даҳшатинг ҳам зўр,
Қулочкаш қиличинг дамидай ўткир,
Азиз қўшин, сени туздик эл номи билан,
Ильич сўзларининг илҳоми билан...

(Темир дивизия қўшиғидан)

«Исми — Йигирма тўртинчи.
Фамилияси — Темир.
Отасининг исми — Симбирск.
Мутахассислиги — Ўқчи.
Туғилган йили — 1918.
Кимнинг фарзанди — Октябрь революциясининг.
Туғилган жойи — Симбирск ёнида, Волга дарёси бўйида.
Келиб чиқиши — Симбирск ва Самара губерналарининг ишчи ва деҳқонларидан.
Маълумоти — гражданлар уруши Университети тамомлаган.
Кимнинг фуқароси — Коммунистик Интернационал жаҳон революцияси штабининг фуқароси.
Қандай мукофотлар олган — Бутунроссия Марказий Ижроқомитетининг 10 та фахрий Қизил байроғи, Симбирск ва Самара губерна ижроқомларидан 20 га яқин байроқ, Республика Революцион Ҳарбий Кенгашидан 1000 дан ортиқ Қизил байроқ ордени.
Нима учун мукофотланган — Поволжьени, Симбирск, Самара, Оренбург губерналарини озод этишда қатнашганлиги ҳамда 100 дан ортиқ шаҳарни Совет ҳокимияти душманларидан қайтариб олганлиги учун.
Ҳозирги вақтда нима иш билан машғул — СССР чегараларини қўриклаш ҳамда келажакда капиталистларга қарши олиб бориладиган кураш учун ёш жангчиларга таълим бериш билан.

Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини ким тасдиқлай олади — Симбирск, Самара, Оренбург пролетариати ҳамда подшоҳ генералларидан Колчак, Дутов ва Деникин».

Темир дивизиянинг бу «хизмат варақасини» унинг биринчи командири Гая Гай тузган эди.

* * *

1918 йилнинг ёзида оқ гвардиячилар ва интервенциячилар мамлакатнинг ғалла кони бўлган Урал билан Сибирнинг деярли бутун территориясини босиб олдилар. Душманлар шиддат билан Волга томон бостириб келмоқда эдилар. Худди ана шу Урта Поволжьеда Москвага ҳужум қилиш учун асосий плацдарм тузилмоқда эди.

Эндигина тузилган ёш Қизил Армия шиддатли жангларда душман ҳужумларини қайтармоқда эди. Шарқий фронт асосий фронт бўлиб қолди — революция тақдири шу ерда ҳал қилинмоқда эди.

«Биз ҳозир бу ерда, эҳтимолки, бутун революция давомида энг қийин ҳафталарни кечираётган бўлсак керак,—деб ёзган эди ўшанда Владимир Ильич. — Синфий кураш ва граждан уруши аҳолини чукур қамраб олди: қишлоқларда ҳамма ерда бўлиниб кетиш давом этмоқда — камбағаллар биз томонда, қулоқлар тиш-тирноғи билан бизга қарши. Антанта чехословакларни сотиб олди, контрреволюцион қўзғолон вақтат солмоқда. Бизни ағдариб ташлаш учун бутун буржуазия бор кучини ишга солмоқда. Шунга қарамай, биз қаттиқ ишонамизки, революциянинг бу ёдатдаги (1794 ва 1849 йиллардаги сингари) жараёнидан халос бўлиб, буржуазияни енгамиз».

Мамлакатнинг аҳволи тобора мушкуллашди. Биринчи революцион армия чехословак исёнчиларининг ва Каппель оқ гвардиячи шайкаларининг исканжасига тушиб, Самарани топширди ва Симбирскка чекинди. Самара ревкомининг раиси толмас большевик Валериан Владимирович Куйбишев армиянинг сиёсий комиссари эди. Симбирск томон чекинаётган отрядларни жангчилар жуда яхши кўрадиган, тажрибали ва ботир командир Гая Гай бошлаб борарди. Маълум бўлдики, Волга йўли кесиб ташланибди. Фронт Волга яқинидаги Сенгилей шаҳарчаси ёнидан ўтарди, Гай отряди шу ерда жойлашиб олди. Шу чоқ маълум бўлдики, Шарқий фронтдаги қўшинлар қўмондони сўл эсер полковник Муравьев Брест сулҳини тан олмабди ва Совет ҳокимиятига қарши исён кўтариб, Москва устига қўшин тортиб бормоқчи бўлибди.

Ҳукумат Муравьевни хоин деб ва Совет ҳокимиятининг душмани деб эълон қилди. Симбирск коммунистлари кекса, тажрибали большевик Иосиф Михайлович Варейкис раҳбарлигида, халққа содиқ қўшинлар мадади билан исённи тутатдилар.

Бироқ Муравьев исёни Шарқий фронтда вазиятни янада кўпроқ мушкуллаштирди.

Оқ гвардиячилар ҳужумни кучайтирдилар, ёш Қизил Армия қисмларига янгиданянги зарбалар бердилар Симбирск, унинг йирик патрон заводи ва ўқ-дори омборлари босиб олинди. Гай отрядлари душман ўровида қолиб, армия қўмондонлиги билан алоқани йўқотди. Тез орада Қозон ҳам қўлдан кетди.

Тилка-пора қилинган, ҳамма томондан ёпирилган душманлар ҳалқасини қайтараётган республика ҳарбий кенгаши Биринчи армия штабига Инза станциясида жойлашиб олишни, қарши ҳужум учун унда янги кучлар тўплаб, таълим беришни буюрди. Михаил Тухачевский командарм қилиб тайинланди.

Командарм Тухачевский ва комиссар Куйбишев олдинда турган уруш ҳаракатлари планини чизар эканлар, Сенгилейдаги Гай отрядини жиддий ҳисобга олмадилар. Валериан Владимирович ўзининг ёш сергайрат сафдоши Гайни аслаб, қуршовга тушган ғайчилар тор-мор келтирилиб, йўқ қилинганини қайғу-алам билан ўйларди. Армияни тузишни бир неча ой қуролли қизил гвардиячилардан бошлашга тўғри келди. Жанговар техникадан биттагина бор эди.

Июль оқшомларидир бирида Тухачевский билан Куйбишев тўсатдан разведкадан ҳамма хилдаги қуроллари бўлган кўп минг кишилик отряд темир йўл бўйлаб келяпти, деган маълумот олдилар.

Жангга тез шайланиш керак эди. Кутилмаган бир воқеа кетидан иккинчиси юз бермоқда эди. Тунда командарм билан комиссарни Майна станциясидан прямой проводга чақиришди. Станция эса қўлдан қўлга ўтмоқда эди. Чақираётган ким бўлди экан—бизнинг разведкачиларимизми ёки душманларми? Нима бўлиши мумкин бу чақириш—маълумот ёки ивоми?

Тухачевский билан Куйбишев аппаратни диққат билан кузатишади. Телеграф лентаси ўрмалаб чиқади: «...Аппарат ёнида отряд бошлиғи Гай...»

— Ким?! — ҳаяжонланиб ҳитоб қилди Куйбишев. Лекин аппарат ҳитобга парво қилмасди. Лента қамон тиқирлаб ўрмалаб чиқмоқда эди: «Аппарат ёнида ким бор?»

— Аппарат ёнида Тухачевский билан Куйбишев.

«Қадрли ўртоқлар... Мен тезда олдингизга етиб бораман». Гай гўё қайтадан тирилган эди. Балки, бу чиндан ҳам иводир?

Куйбишев Майнага у ерда бошқа бирон киши эмас, худди Гай турганини бирон далил билан тасдиқлашни таклиф этади. Майна жавоб беради: «Мен Гайман. Агар кўриб ишончқочи бўлсангиз, Тухачевский билан бирга келинг. Кўп масалаларни муҳокама қилиш керак. Мен душман фронтини ёриб ўтдим. Озуқа юкланган от-аравларимни йўқотдим. Сизнинг ёрдамингиз керак. Тезроқ ҳаракат қилинг».

Кескин ва шиддатли сўзлардан бу ҳақиқатан Гай эканлиги аён бўлди. Ҳақиқатан ўша!

Бир неча дақиқадан сўнг бронепоезд командарм билан комиссарни Майна станциясига елдириб кетди. Мана Куйбишев Гайни қучоқлаб қўришмоқда.

— Тирикмисан? Бу қандай мўъжиза?

Маълум бўлдики, оқлар Гай отрядини ўнг томондан айланиб ўтиб, Симбирскка ҳужум қилганлар. Уни кейин бир ёқлиқ қиламиз, деб Гай отрядини орқа томонда қолдириб кетганлар. Гай эса довдираб қолмаган, моҳирлик билан маневр қилиб, душман мажбур қилмоқчи бўлган жойда жангга киримасдан, унга зарба берадиган позицияни ўзи танлаган ва каттиқ жангдан кейин қуршовни ёриб, Майна станциясига чиқиб олган.

Шундай қилиб, Биринчи революцион армия уч минг чиниққан жангчига эга бўлди, бу жангчилар Симбирск дивизиясининг асоси бўлдилар ва кейинчалик кўп жанг ва юришларда шон-шуҳрат қозондилар. Дивизияга Гая Гай бошчилик қилди.

1918 йил август ойининг бошларида Ленин Москвада Варшава революцион полки жангчилари олдида нутқ сўзлади.

—...Ўртоқлар, мен шунга аминманки,— деди Ленин, —агар сиз ҳамма ҳарбий кучларни қудратли интернационал Қизил Армия қилиб жипслаштирсангиз, бу темир батальонларни «ё ўлим, ё ғалаба» деган жанговар шиор остида эксплуататорларга қарши, зўровонларга қарши, бутун дунёдаги қорагурухчиларга қарши йўллайдиган бўлсангиз, — у вақтда империалистларнинг ҳеч қандай кучи бизга бардош беролмайди!

Фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга

ЎҒИТНИНГ ЯНГИ ХИЛИ

Гуминли ўғитдан фойдаланилганда ҳосилдорлик 3,5-4 центнер ошади. Таннарх арзонлашиб, меҳнат унумдорлиги яхшиланади. Хўш, гуминли ўғитнинг ўзини қандай қилиб кўпайтириш мумкин?

Маҳаллий ўғитлар тупроқ таркибини яхшилайди, донадор қилади. Буни деҳқонларимиз азалдан билганлар. Республикамиз ерлари қора тупроқ зоналардан таркибида жуда кам гумус моддаси бўлиши билан фарқланади. Гумус — маҳаллий ўғитлар таркибида кўпроқ бўлади. Бинобарин, ернинг гумусга бўлган талабини маҳаллий ўғитлар билан қондириш мумкин

Лекин жуда катта экин майдонларимизнинг эҳтиёжини республикамизда тайёрланадиган маҳаллий ўғит (гўнг) билан тўла қондириб бўлмайди. Бу эса янги резервларни қидириб топиш ва ишга туширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси химия институтининг бир гуруҳ олимлари таркибида гумин кислоталари бўлган табиий оксланган кўмирдан органик ва минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот олиб бордилар. Натижада бу масала ниҳоясига етди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси М. Набиев, профессор Д. Забрамский, химия фанлари кандидати А. Тожиев ва ушбу сатрлар автори шу борада Қирғизистондаги Қизил қияда иш олиб бориб, табиий оксланган кўмирдан органик-минерал ўғит (гуммофос) ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Шучин характерлики, табиий оксланган кўмир ҳеч қандай саноат аҳамиятига эга бўлмай, кўп ҳолларда чиқинди сифатида исроф қилинарди.

Олимларимиз бу органик-минерал ўғитнинг ўсимликларга таъсирини «СоюзНИХИ»нинг тажриба участкаларида ҳамда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиқ министрлигининг сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институтида дастлаб вегетатив идишларда синаб кўрдилар. Тажриба учун ишлаб чиқарилган гуммофос таркибида 13-14 процент фосфор, 2-2,7 процент азот, 4-9 процент гумин кислоталари бор эди. Биологларимиз гуммафоснинг таъсир қуввати ни аниқлаганларидан сўнг 1961-1965 йилларда Қўқон суперфосфат заводида бир неча минг тонна гуммофос ишлаб чиқарилди. Шу пайт ичида бу ўғитнинг пахта, сабзавот, мева ҳамда узум ҳосилдорлигини оширишга таъсири ҳам ўрганилди. Яхши хулосалар олинди.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессори М. А. Панков, қишлоқ хўжалик фанлари доктори В. Б. Гуссак ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. М. Мукольянц ўртоқлар Янгийўл районидаги «Коммунизм», Гулистон районидаги «Октябрь» колхозларининг шўр тупроқли ерларида маскур ўғитни синаб кўрдилар. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Гектарига 500-700 килограмм гуминли ўғит солинган картадан шундай ўғит солинмаган майдонга нисбатан 3,5-4 центнердан кўп қўшимча ҳосил олинди. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. Л. Муханова ва С. Т. Имаковаларнинг «СоюзНИХИ»да ўтказган тажрибалари ҳам гуминли ўғитлар пахта ҳосилдорлигини 3 центнерга оширганини исботлаб берди. Фарғона область Киров районидаги Ленин номли колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойшахон Йўлдошева ҳам гуммофос ўғитидан унумли фойдаланаётир. Унинг бригадаси ўғитнинг бу янги турини кенг қўллаб, ўтган йили ҳосилдорликни гектар бошига 6 центнерга оширган.

Гуминли ўғитлар картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлигини оширишга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Биология фанлари доктори Г. И. Аболина бошчилигида сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институтида ҳар гектар майдонга 800 килограммдан гуминли ўғит солиниб, картошкадан мўл ҳосил олинди. Р. Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг ходимлари бир неча йиллар мобайнида Бухоро, Самарқанд, Тошкент областларидаги колхоз ва совхозларда гуминли ўғитларнинг узумнинг турли навларига таъсирини ўргандилар. Ҳар гектар узумзорга 200 килограмм гуминли ўғит солинганда «Нимранг», «Хусайни», «Баян-ширин», «Асил» каби узум навларининг ҳосили 22 процентгача, узум шарбатидаги қанд миқдори эса 9 процентгача ортган.

Бу фактлар, мисоллар Ўзбекистон ерларида гуминли ўғитлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, ундан фойдаланиш самарасини ошириш зарурлигини кўрсатади. Хўш, гуминли ўғитлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш учун қандай манбалар бор? Республикамизда бунинг учун етарли хом ашё манбалари мавжуд. Қорақина, Қизилқия, Шарғун, Оҳангарон кўмир конлари шулар жумласидандир. Маскур кўмир конларида гуминли ўғит ишлаб чиқаришга ярайдиган оксидланган кўмир (кукунлар) тўпланиб ётибди. Профессор И. Ҳамробоев, О. Шведученко ўртоқларнинг илмий-қидирув ишлари туфайли Оҳангарон, Шарғун кўмир конларида ва Фарғона областида кўп миқдорда энергетик аҳамиятга эга бўлмаган кўмир манбалари ҳам мавжудлиги очиб берилди. Шунингдек, Бухоро областида (Сукайта, Тим) ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам энергетик аҳамиятга эга бўлмаган кўмир манбалари борлиги маълум. Бу беқиёс манбалар ёрдамида жуда арзон нархда гуммофос ишлаб чиқариш мумкин. Шу мақсадда Қўқон ва Самарқанддаги суперфосфат заводларининг аммонийлаштириш цехларида гуминли ўғитлар ишлаб чиқаришни бемалол йўлга қўйса бўлади.

Лекин Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва республика Госплани ҳамда тегишли ташкилотлар бу муҳим масалага етарли аҳамият бермай келяптилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Илмий ташкилотлар ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланишни тезлаштириш тадбирлари тўғрисида» чиқарган қарорида эса фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш алоҳида уқтириб ўтилган. Гуминли ўғит ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш — пахтачилигимизни янада ривожлантиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Э. ТЎҚСОНОВ,
химия фанлари кандидати.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

Балиқчилик ривожланади

«Гидрорибпроект» Иттифоқ институтининг Тошкент экспедицияси ходимлари, Оҳангарон дарёси бўйида барпо этиладиган янги балиқчилик хўжалигининг лойиҳасини ишладилар. Бу хўжаликда, келажакда йилига қариб 50 минг тонна балиқ етиштирилади.

Оққўрғон балиқ комбинати ҳам кенгайтирилиб, йилига 14 минг тонна ўрнига 45 минг тонна балиқ етиштирадиган бўлади.

Экспедиция ходимлари Фарғона областининг «Мингбулоқ» совхози, Андижон ва Самарқанд сув ҳавзалари ҳамда Чордарёда ҳам балиқчилик хўжаликлари барпо этишга киришдилар.

Д. РАҲИМОВ.

Москвада — таомлар конкурси

Москвадаги «Олтин бошоқ» ресторанида миллий таомлар нуриги бўлмоқда. Кўрикда республикамиздан 8 паванда, 2 қандолатчи иштирок этди.

—Ўзбек миллий таомлари москволикларга жуда ёқди,—деб ҳикоя қилади. «Россия» ресторани бош ошпази нўрин қатнашчиси Д. Усмонов.—30 хилдан зиёд овқатларни тайёрладик. Конкурс сентябрь ойида якунлавади. Ғолиблар белгиланади.

С. ХОЛМАТОВ.

Силос бостирилмоқда

Қарши районидаги «Пахтакор» колхозининг ўртоқ Ҳайдар Назаров бошлиқ мактабжўхоричилик бригадаси азаматлари 180 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришди. Улар бу йил 2630 тонна силос бостиришмоқчи.

Ҳозир мактабжўхора ўрими қизғин бормоқда. Комбайнчи Сафар Ҳайдаров кунига 3-4 гектар ердаги мактабжўхорини ўриб олляпти. Қисқа вақт ичида 19 гектар ердаги мактабжўхори ўрилиб, 200 тонна силос бостирилди. Силос бостиришда Чўян Ашуров, Тоҳир Ҳайитов ўртоқлар сингари тележкачиларнинг ҳам хизмати катта.

Ж. ЮСУПОВ,
Ф. ҲОЖИЕВ.



Илгорлар пахта йиғим-теримига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўраётирлар. «Узсельхозтехника»нинг Сирдарё район бирлашмаси устахоналарида ҳам терим агрегатлари ремонти жадал олиб бориляпти. Устахона ишчилари «зангори кема»лар ремонтини барвақт тугаллаш учун астойдил нурашмоқдалар. Суратда: пахта териш машиналарини ремонт қилиш цехида иш пайти.

А. Горюкрин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„ҚИЛ КЎПРИК“

ГАЗЕТХОНЛАР ФЕЛЬЕТОНИ

<> <>

Троицкдаги «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйи билан Кривицкий посёлкаси иккаласи бир жойда. Ўртадан Зах ариқ, Хон ариқ оқади. «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйига фақат республикамиздан эмас, балки мамлакатнинг Урал, Сибирь каби узоқ жойларидан ҳам меҳмонлар келади. Аммо Кривицкий посёлкасида эса меҳмон аҳолининг уруғи, Яъни, мутлақо келмайди деб тушунаверинг.

Савол туғилади. Бу посёлкада яшовчи кишиларнинг қариндош-уруғлари йўқми? 600 га яқин хонадон наҳотки тўй-маъракага деган гапларни йиғиштириб қўйишган бўлса? Йўқ, бундай эмас. Ҳамма жойда бўлгани каби бу ерда ҳам тўй-маъракалар бўлиб туради. Узоқ-яқиндаги ёру-биродарлари, қариндош-уруғлари бу посёлкага ҳам ясан-тусан қилиб, совга-саломлар билан келишади. Келишадию, кўпинча қил кўприкдан ўтолмай, ўтишга юраклари бетламай, «Тўй ҳў анави тутун чиқаётган ҳовлида бўлаётган бўлса керак, ҳайр, яхши ўтсин...» деб орқаларига қайтиб кетишаверади.

Хўш, қил кўприк деган нима ўзи? Бу ўн метрли жарликда вазмин ва сокин оқадиган Зах ариқ билан шиддати нақ икки электростанцияни юргизадиган Хон ариқ ўртасидан ўтган қилдек ингичка йўл. Йўқ, кечирасиз, йўл эмас, ўнлаб кишиларнинг юрак ўйноқ дардига мубтало бўлишига сабабчи бўлган қилдек ингичка йўлакча. Дарвозлар бола туғилган кундан бошлаб уни дорда юришга ўргатишар экан. Бу ердагилар бўлса, хонадонда фарзанд туғилиши билан уни қил кўприкдан юришга ва мабодо йиқилиб тушса, қиргоққа эсон-омон чиқиб олсин деб сувда сузишга ўргатишар экан.

Бир қушга ҳам дон, ҳам сув керак, дейдилар. Бу ерда яшовчи кишилар ўтин-кўмир, ем-хашак деган нарсаларни қандай қилиб ташиб ўтади деб сўрарсиз. Баъзан елкалаб, баъзан машинада ҳам олиб ўтишади. Машинада олиб ўтиш шундай хатарлики, ҳайдовчи сал янглишса, машина асфаласофинга кетди деб ҳисоблайверасиз. Ака-ука шофер Эркин ва Аброр Мирсоатовлар бир марта ана шундай хатога йўл қўйишди — икковлари ҳам неча ойлаб қўлтиқ таёқда юришди.

Биз «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйига ҳордиқ чиқаргани, асабларни жойига туширгани келганмиз. Аммо бу ерда юз берётган кўнгилсиз воқеаларни кўравериб, асабимиз яна қучайиб кетди. Биз Байтқўрғон қишлоқ Совети раиси Абдуғани Ҳошимовга ўз мулоҳазаларимизни айтмоқчи бўлдик, бу аҳволдан хабардорми, ёки хабардор эмасми, ҳатто шуни ҳам суруштириб кўрдик. Маълум бўлишича, меҳнаткашлар бу кишига бир неча йилдан буён йўл ва кўприкни яхшилаб беришни сўраб илтимослар қилишган экан. Ўртоқ Ҳошимов ўзи шу посёлкадан район Советига депутат бўлиб сайланганлигига қарамай, меҳнаткашларнинг шикоятига бепарволик билан қараб келаверибди.

Балки, ўртоқ Ҳошимов бу қил кўприкдан ҳалигача бирон марта ўтмагандир. Агар ўтганда, ким билади дейсиз, ремонт ишлари тезлашиб кетган бўлармиди.

Хожи АХМАР,
кинорежиссер,
Тошкент области.

Янги шеърлар

ЎЗБЕКИСТОН

(ҚАСИДА)

Оромжон тоғларингда сайр этганимда,
Зарафшонинг қирғоғида шеър битганимда,
Самарқандинг боғларида ёр кутганимда,
Бахт ҳақида ўйлаб бердинг гўзал бир достон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Онасини севгандай ҳар азиз фарзанд,
Сени севдим, сен онамсан, сен-ла қалбим банд.
Қучоғингда юз баҳорни кўрсам-да гарчанд,
Сендай йироқ нетолмайман, кетмам ҳеч қачон.
Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Бухоромиз Уралга нўл узатганида,
Онажонлар ўғлин чўлга кузатганида,
Сарвиноздар тўйга неъмат тузатганида,
Меҳрин дилга жо айлади минг-минглаб меҳмон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Одам бир дам яшай олмас бўлмаса юрак,
Сен қалбимсан, сен қадримсан, сен эзгу тилак.
Сенсиз менга инсон бўлиб яшаш не керак?!
Ризқу-рўзим, пок виждоним, ўзинг жонажон
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Кумуш пахта хирмонларинг Чотқолга тенгдир,
Олтин бошоқ далаларинг денгиздан кенгдир,
Эрк ақлини безай олган сенинг мулкингдир,
Сен тўқиган атлас етар ер юзига, инон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Кўз бўлмаса қандай боқар жаҳонга одам,
Сўз бўлмаса битилмайди шоҳ асарлар ҳам,
Сен—кўзимсан, сен—сўзимсан, сен—қутлуғ қалам,
Менинг киндик қоним тоғган, муқаддас макон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Фарғонада бир чаққалоқ келса дунёга,
Сирдан боғлар бунёд бўлса чўли Мирзода,
Тошкент аҳлини тўлиб кетар кўзи зиёга,
Юрт саварлар қудратидан яшнаган бўстон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Алишернинг бешигини тебратган юртим,
Улуғбекни юлдузларга қаратган юртим,
Муқимий ва Фурқатларни яратган юртим,
Шарқ уфқида Ҳамза янглиг авжи ғазалхон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

ЗАРАФШОН МАВЖЛАРИ

Яна келдим,
Сени йўқлаб, Зарафшон,
Қай сўз билан айтай соғинганимни?
Қалбимга ўқини отганда қижрон,
Биласанми,
Сенга сиғинганимни?
Йўқ, билмайсан,
Ҳатто қилмасдан парво,
Мавжланиб,
Шовуллаб оқиб ётибсан.
Мендай бир ўглингдан қилгандай гина,
Хаёлинг паришон,
Ўйга ботибсан.
Таъна тошин отма менга, ўтинчим,
Сўзимни бир лаҳза тингла эй дарё.
Васлингга етгунча йўқолди тинчим,
Нетай,
Ахир, жуда кенг экан дунё.
Сенинг лойнинг бор.
Дунё беғоён.
Тилсимдан иборат ҳар бир гўшаси,
Сендай улкан дарё кўпдир бегумон,
Лекин сенга пайванд кўнглим риштаси.
Дунё недим,
Қайда бўлмайин лекин,
Сенинг тимсолингга қиёс изладим.
Дарёлар бўйида олганимда тин,
Зарафшоним,
Сени ёниб сўзладим.
Исмингни такроблаб эзгу қасамдай,
Висол айёмига ошиқди қалбим.
Кечалар милтиллаб ёндим-у шамдай,
Самарқанд ҳавосин соғиниб қолдим.
Сафар тулпорини қамчилаб шодмон,
Тонг билан қуёшдай нелдим қошингга.
Меҳрим жавоҳирин сочдим, онажон,
Севги камалаги кулган бошингга:
Ҳамиша оҳангдош бўлдинг қалбимга,
Эй, менинг бешигим тебратган дарё.
Бу шараф муяссар бўлгуси кимга,
Эй, менга шеър илмин ўргатган дарё.
Зарафшон, мавжларинг нузатиб магрур,
Армонсиз умрингга қилурман ҳавас.
Сен каби кўз юммай яшасам масрур,
Шу умр мен учун азиз, муқаддас!

Барот БОЙҚОБИЛОВ

ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш қандай бораяпти? Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг мактаблар ҳақидаги қарори қандай бажарилаётир? Ана шу масала юзасидан Хоразм области шаҳарлари ва районлари ўртасида ўзаро текшириш ўтказилмоқда.

Шаҳар ва район ижроия комитетларининг раис ўринбосарлари раҳбарлигидаги ўзаро текшириш бригадалари асосий эътиборни мактаблар қурилиши ва ремонти, болаларнинг озғин дам олиши ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик соҳасидаги муҳим ишларга қаратмоқдалар, ўзаро текширишга халқ маорифи, касаба союз ва комсомол ходимлари, қурилиш ташкилотларининг вакиллари жалб қилинган.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ...

Амударё район партия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 15 апрель сонида босилган «Айтсам тилим куяди»... сарлавҳали фельетон юзасидан ўтказилган текширишда, унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Натижаси райкомнинг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, айбдорларга тегишли чора кўрилди.

Район алоқа узелининг бошлиғи Й. Курбонов алоқа узели ишига маланали раҳбарлик қила олмаганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Шунингдек, хизмат мансабини суиистеъмол қилганликлари учун узель бошлиғининг ўринбосари С. Шомуротов, бош бухгалтер Н. Елбусинов ҳам лавозимидан четлаштирилди. Район партия комитетининг бюроси алоқа узели ходимлари орасида оммавий-тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилади.

Владимир Ильич ўзига хос эҳтирос ва қатъият билан деди:

— Е. Ғарбда муваффақиятсиз чиққан революцияларда бўлгани сингари, қулоқлар, капиталистлар, подшоҳ ҳокимияти бўлади, ёки пролетариат ҳокимияти бўлади. Сиз фронтга кетаётган экансиз, сизнинг вазифангиз ҳаммадан олдин ва ҳаммадан кўпроқ шуни эсда тутишингиз керакки, бу—мазлумлар ва эксплуатация қилинувчиларнинг зўравонлар ва таловчиларга қарши бирдан-бир қонуний, адолатли, муқаддас урушидир.

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Ўша августнинг охиридаёқ Ленин Бутунроссия маориф ходимлари съездида ёш Қизил Армиянинг кучи ўсиб бораётганлигини таъкидлади.

Совнарком Раиси фронт қўшинлари ҳаракатини диққат билан кузатиб бўрди. «Ҳарбий ишда камбағаллар оммаси билан алоқа етарлими? Камбағаллар оммасини кутариш ва жалб этиш учун ҳамма нарса қилиняптими?»—деб муттасил эслатиб турди.

Эсер ёёл Каплан Ленинни отиб ярадор қилди, деб Москвадан келган хабар даҳшатли ва қайғули эди. Мамлакат ҳарбий лагерь деб эълон қилинди. «Социалистик республиканинг барча куч ва воситалари зўравонларга қарши қуролли курашнинг муқаддас иши ихтиёрига қўйилади, — дейилган эди Бутунроссия Марказий Ижроқоми қарорида. — Мамлакатнинг бутун меҳнаткаш аҳолиси қўлаб-қувватлаган Ишчи ва Деҳқон Қизил Армияси Совет республикаси тупроғини оёқ ости қилаётган империалистик йиртқичларни янчиб ва улоқтириб ташлайди».

Кремлда врачлар Владимир Ильичнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, мумкин бўлган ҳамма ноларни кўрдилар... Аҳволи жуда оғир. У адаҳлаб тўлғонади, Мамлакат ҳаётига жонкуярлик фикри уни тарк қилган эмас. Фронтлар. Ғалла. Волга...

Бутунроссия Марказий Ижроқомининг Раиси Я. М. Свердлов Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти номидан Бешинчи армия қўшинларини Қозонни озод қилишни тезлатишга даъват этди. Қозоннинг олинганлиги ҳақидаги хабар В. И. Ленининг шифо топишига ёрдамлашади, деб ёзган эди у. Владимир Ильич ҳали тўшакдан турмасдан, ҳали қуввата кирмаган қўли билан 7 сентябрда Бешинчи армия штабининг телеграммасига жавоб ёзади:

«...Соғайишим эзло даражада бормоқда. Аминманки. Қозондаги чехларни ва оқ гвардиячиларни, шунингдек уларга мадад бериб келган қонхўр қулоқларни бостириш намуналари равишда шафқатсиз бўлади.

Энг яхши тилак ва саломлар.

Ленин».

Ильичнинг илиқ сўзлари ҳар бир қизил аскарнинг кўнглида ижобат топди.

Донги оламга кетган Николай Маркин қўмондонлиги остидаги Волга флотилиясининг қуроллиқдаги қўшинлари ва денгизчилари 9 сентябрда Қозонни штурм қилдилар. 10 сентябрда шаҳар душмандан тозаланди.

...Гай дивизиясининг мингларча жангчилари қимир этмай армия комиссари Валериан Куйбишевнинг нутқини тингладилар:

— Ленининг туғилган шаҳри Симбирск-нинг озод этилиши Ильичнинг жароҳатига биз қўйган малҳам бўлади. Поволжьенинг озод қилиниши Москва ва Питерга ғалла беради.

12 сентябрда 24-дивизия қаҳарамонларча штурм қилиб Симбирск шаҳрини олди ва оқ гвардиячиларни Волганинг нарёғига улоқтириб ташлади.

Телеграф Кремлга жангчиларнинг ваъдасини етказди: «Қадрли Владимир Ильич! Сизнинг туғилган шаҳрингизнинг олиниши Сизнинг биринчи ярангиз учун жавобдир. Иккинчи ярангиз учун жавоб Самара бўлади!»

Фронтдан келган бу хабар Владимир Ильични ниҳоятда қувонтирди. Ленин шу заҳотиёқ ёйтиб туриб жавоб ёзди: «Менинг туғилган шаҳрим Симбирскнинг олинганлиги менинг яраларимга энг шифобахш, энг яхши малҳамдир. Ўзимни мисли кўрилмаган даражада бардам ва тетик ҳис қилаётибман. Қизил аскарларни ғалаба билан табриклайман ва улар берган ҳамма қурбонлар учун барча меҳнаткашлар номидан ташаккур билдираман».

Анча кейин дивизия жангчилари томонидан тўқилган қўшиқ бундай деб куйланарди:

Ярадор Ильич ётарди беҳол,
Бемор эди: йўқ танда мажол,
Озод этдик биз у туғилиб ўсган
Симбирси шаҳрини ёвуз душмандан.
Ильич ёзиб бизга, деди: офарин,
Бўлди жасоратингиз ярамга малҳам,
Жангда жавлон уринг, бўлингиз бардам,
Омон бермай қиринг ёвнинг ҳаммасин.

Лекин Симбирск — бу фақат ишнинг бошланиши эди. Навбатда — Самара...

28 сентябрда РСФСР Марказий Ижроқоми 24-дивизияни ўша вақтда республиканинг олий мукофоти ҳисобланган фахрий революцион Қизил байроқ билан мукофотлади. Шарқий фронт Революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси П. А. Кобозев ҳукумат телеграммасини ўқиб берди ва дивизия бошлиғига байроқни топширди. Гая Гай байроқни қабул қилиб оларкан, бир тиззаси билан чўққа тушди-да, қип-қизил алвонинг четини ушлаб ўпди. 24-дивизия Симбирск Темир дивизияси деб аталди. Ўша куниёқ дивизия фронтга отланди.

— Шуни таъкидлаб айтаманки, — деб телеграф қилди Бутунроссия Марказий Ижроқомига кекса большевик Кобозев, — Симбирск Темир дивизияси илгаригидек ҳамон бардам. Темир дивизия юндан бери муттасил юришда, аммо доим маневр қилиб қураш олиб бормоқда, дам олишни истамайди, ўрнига бошқа дивизия юборишни сўрамайди.

Темир дивизия дам олишни истамаси ва ўрнига бошқа дивизия қўйишни сўрамаси Душман ҳали ҳам Волга бўйида турарди, Поволжьенинг кўп шаҳарларини ишғол қилган эди.

Дивизия Сизранни оқлардан озод қилиб, Самарага яқинлашиб боради ва чапаевчилар билан биргаликда Самарани штурм қилади. Айни вақтда шаҳарнинг ўзида ишчилар қўзғолони кўтарилган эди.

Волга душмандан батамом тозаланди. Бундан хабардор бўлган Ленин Волга магистралининг мамлакат учун алоҳида қаётий аҳамияти борлигини таъкидлайди:

«Самара олинди. Волга озод. Кемалар қатнови ёпиладиган вақтга қадар озғина кундан фойдаланмаслик жиноятдир. Нефть ва озиқ-овқат юкларини максимум даражада Волганинг юқори томонларига ташиш учун ҳамма куч-ғайратни ишга солиш зарур...»

Самарани эгаллагани учун 24-дивизияга Самара дивизияси номи берилади. Энди у 24-Қизил байроқли Симбирск-Самара Темир дивизияси деб аталди. Олдинда эса янги юришлар, янги жанглар турарди.

Германия билан Австрияни енгган, Антанта давлатлари ўйрик ҳарбий кучларини Советларга қарши ташладилар. Интервенчилар Россияни блокада халқасида деб эълон қилдилар. Ташқи дунё билан қилинадиган ҳамма алоқа йўлларини кўпларига олдилар. Ўнлаб оқ гвардиячи генераллар республикани ичдан бўғмоқда эдилар. Антана ўзининг Сибирдаги адмирали Колчакка айниқса катта умид боғлаган эди. Шарқий фронт мамлакат тақдирини яна ҳал қиладиган бўлди.

1919 йилнинг баҳорида Антана ҳаракатларидан далда олган Деникин Колчакка, энг муҳими—Волга бўйида тўхтаб қолмасдан, нарига томонга, яъни большевикларнинг юраги Москвага зарба бермоқ керак, деб ёзган эди.

Деникиннинг ёвуз ниятн барбод бўлди.

8. И. Ленин партия Марказий Комитетига Шарқий фронтдаги аҳвол ҳақида тезислар тақдим этди. Марказий Комитет Колчакнинг ғалабаси Совет республикаси учун ниҳоятда даҳшатли хавф туғдиришини таъкидлаб қуйидаги вазифани қўйди: фронт яқинидаги жойларда бўлган коммунистлар ёппасига сафарбар қилинсин, сафарбар қилинувчилар ва қизил аскарлар орасида агитация кучайтирилсин, Қизил Армияга ёрдам комитетлари тузилсин. Ҳамма Колчакка қарши курашга!

Колчакни тор-мор қилиш плани Ленин раҳбарлигида ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу планнинг асосий ғояси қуйидагича эди: қақшатқич қарши зарба бериб Колчак армиялари тор-мор қилинсин ва Уралнинг нарёғига улоқтириб ташлансин, уларнинг деникинчилар билан қўшилиш имкони йўқ қилинсин ва сўнгра Уралга, унинг саноатига, революцион пролетариати ва деҳқонларига таянган қолда, жасур Сибирь партизанлари ёрдами билан оқ армиялар батамом тор-мор қилинсин.

Тўрт армияга раҳбарлик қилган Михаил Фрунзе асосий зарбани Уфага бериш учун Бузулук районида группа тўплади. Бу группага Василий Чапаевнинг 25-дивизияси ва Гая Гайнинг 24-дивизияси кирди.

Қизил Армиянинг ҳужуми янги куч билан авж олди. Колчак кетма-кет мағлубиятга учраб бораверди. Урал билан Сибирь яна советларники бўлиб қолди.

Ленин тезислари амалга оширилди.

...Урал тоғларидан Туркистон даштларига қараб йўл олинди. Ҳамон ўша Бутунроссия Марказий Ижроқоми жанговар фахрий-революцион байроғи остида босмачиларга қарши курраш олиб борилди. Бу байроққа эндиликда кўп жангларнинг порох тутуни сингган ва ёғочидаги бўёқлар эскириб кўчган эди. Лекин у Урал тоғларининг этакларидаги шамолда қандай қиллираган бўлса, Туркистон шамолида ҳам шундай қилпиراردи, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб ёзилган олтин ҳарфлар ва жанговар Қизил юлдуз ҳамон ёниб турарди. Сўнгра Дон области, Кубань... Гражданлар уруши охирлашмоқда эди. Бироқ Темир дивизия-жангчиларига дам олишга ҳали эрта эди. Улар жонажон мамлакатни у бошидан бу бошигача кезиб чиқишди. Дивизия байроғи ҳам Белоруссия ва Украина далалари узра қилпиراردи. Дондан Днепргача, Днепрдан Стиргача. Руминия ва Польша чегараларигача Ўзининг жанговар анъаналарига содиқ бўлган дивизия Словечни станцияси районида Пилсудскийнинг «Сикорский» бронепоездини қўлга туширди.

Гайчилар будённийчилар бўлиб қолдилар. Биринчи Отлиқ армия составида Стирдарёсидан кечиб ўтиб, Луцкни қўлга киритдилар ва кўкна шаҳар Львовга қараб йўл олдилар. Каплевчилар, колчакчилар, босмачилар, оқ поляклар орқада қолди. Олдинда петлюрачилар. Петлюранинг охирги таянчи-Летичев шаҳри бир ҳамла билан олинди. Дивизия жангчилари гражданлар урушининг ҳамма йўлларини косиб, беш минг километр йўл босганларидан кейин, Руминия билан Польша чегарасида ўз Ватанининг чегаралари посбони бўлиб турди.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Темир дивизия Ватанимиз чегараларини сабот билан қўриқлаб турди. Ўттиз тўққиз—кирқинчи йилда у Маннергейм чизиғини ёриб ўтди. Улуғ Ватан уруши бошланганда Темир дивизия биринчи бўлиб душман зарбаларига дуч келди ва жанг билан чекиниб фашистларга қаттиқ талофот етказди. Ундан кейин ҳам Темир дивизия кўп фронтларда жанг қилди. Унинг шарафига кўп марталар Москва осмонида салют мушаклари ялтиради.

Гражданлар урушининг анъаналари дивизияда ҳеч қачон сўнмайди. Авлодлар ўрнини авлодлар боседи. Ёш жангчилар келади. Уларнинг ҳаммаси ўз Темир дивизиясининг тарихини билиб олади. Улар тўққиз юз ўн саккизинчи йилда Симбирск олингандан кейин шу заҳотиёқ Владимир Ильичдан олинган хатни ўқийдилар, унинг чуқур маъносини пайқаб оладилар. Ленининг хати жанговар ҳайрбод бўлиб, наказ бўлиб, янгидан-янги жасоратларга чақириқ бўлиб янграб келди ва ҳамон янграмоқда.

Агар сиз бирон ҳарбий қисмни юришда, маршда, дам олиш вақтида кўришга муяссар бўлсангиз, унинг марш қўшиғида албатта қўйидаги сўзларни эшитасиз:

Қудратинг зўр, даҳшатинг зўр,
Қулочиаш қилиб қамласандай ўткур,
Азиз кўшин, туздик жонимиз билан,
Ильич сўзларининг илҳоми билан...

Билингки, бу қўшиқни сиғилмас Темир дивизиянинг солдатлари куйламоқдалар.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ таржимаси.

[Ленинноманинг «Биз ўз янги дунёмизни қурамиз» номли китобидан].

Ташқи мамлакатларда

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги давлат ахборот бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади: мамлакат саноати 1969 йилнинг биринчи ярмида 1968 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 10,4 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарди, меҳнат унумдорлиги 6 процент кўпайди. Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ҳар бир ходимнинг ўртача иш ҳақи 1,8 процент ортди.

Чакана товар оборот 2 миллиард 447 миллион левни ташкил этди. Бу — 1968 йилнинг шу даврдагига нисбатан 134 миллион левлик ортиқдир. Ташқи савдо обороти бир неча баравар кенгайди. Жами товар айирбошлашнинг 80 процентга социалистик мамлакатлар ҳиссасига, шу жумладан 56,6 процентга Совет Иттифоқи ҳиссасига тўғри келади.

ЭЛЛИКДАН ОРТИҚ ШАҲАРГА

ПРАГА. Чехословакия пойтахти жуда кўп энг катта халқаро авиа линиялари ўтадиган жой бўлиб қолди. «Чехословакия аэролинияларининг компаниясининг самолётлари Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка, Шимолий ва Жанубий Америкаларнинг элликдан ортиқ шаҳри билан мунтазам алоқа қилиб турибди. Мамлакатнинг ички ва халқаро авиалинияларининг умумий узунлиги қариб юз минг километрга етади. Совет маркасидаги замонавий тез учар «ТУ-124», «ТУ-104» самолётлари ва бошқа самолётлар, шунингдек Чехословакияда ишлаб чиқарилган самолётлар «Чехословакия аэролинияларининг трассаларида парвоз қилмоқда.

Чехословакия Социалистик Республикаси Совет Иттифоқидан реактив «Ил-62» лайнерларининг бир туркумини сотиб олди. Бу самолётлар халқаро йўлларда учиш учун мўлжалланган.

АТОМ РЕАКТОРИ ҚУРИЛАДИ

ВАРШАВА. Познанда атом реакторини қуришга қарор берилди. Бу реактор 1974 йилга бориб ишга туширилади. Янги ядро маркази илмий муассасалар ҳамда саноатнинг топшириғига мувофиқ тадқиқот ишларини бажаради.

ЮГОСЛАВИЯДА ҲОСИЛ ЎРИМ-ЙИҒИМИ

БЕЛГРАД. Югославияда мамлакатнинг асосий дон экини бўлган кузги буғдой ўрим-йиғими тамомланай деб қолди. Мамлакатнинг республика ва ўлкаларидан олинаётган хабарлар яхши ҳосил етиштирилганлигини кўрсатади. Мамлакатда арпа ва сули ўрим-йиғимига ҳам киришилди. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 29 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ Озодлик Қуролли Кучлари бўлинмалари Америка—Сайгон қўшинлари позициясига ҳужум қилмоқдалар ва муҳим стратегик пунктларни — аэродромларни, база лагерларни, ҳарбий омборларни; артеллериядан ўққа тутмоқдалар. Улар агрессорларнинг солдат офицерларига ҳамда техникасига катта талафот етказмоқдалар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 16 июлга ўтар кечаси Бинь-дин вилоятининг маъмурий марказига ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар операцияни муваффақиятли ўтказганликлари натижасида Американинг 120 дан кўпроқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, кўп миқдордаги ҳарбий техникасини йўқ қилдилар.

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

ҚОҲИРА, 29 июль. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари араб мамлакатлари билан ўт очишни тўхтатиш чизиқларида ифвогарликлар қилишни давом эттирмоқда.

МЕН агентлигининг БАР Қуролли Кучлари вакилининг ахборотига асосланиб хабар беришича, кеча Исроил самолётлари Порт—Товфиқ, Деверсуар ва Ат—Тин районларида Миср қўшинларининг позицияларига ҳужум қилганлар.

Миср Қуролли Кучларининг зенит артиллериясининг душман самолётларининг йўлини ўтга тутди ва Порт—Товфиқ районида Исроилнинг «Скайхок» типидаги бир самолётини уриб туширди.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 29 июль. (ТАСС). Бош министр Индира Ганди ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг Деҳли ташкилоти вакиллари олдида нутқ сўзлаб, банкларни национализация қилиш ҳинд халқининг фаровонлиги учун ўтказилди, деди.

Бош министр катта-катта хусусий банклар национализация қилинишига қарши ўнг сиёсий кучлар авж олдирган пропаганда кампаниясини қоралаб, уни «ёмон ниятли ва туҳматчилик» кампанияси, деб таърифлади.

Индира Ганди ҳукуматнинг қарорлари тўғри баҳарилганидагина национализация қилиш натижалари рўёбга чиқиши мумкин, деб таъкидлади. У ҳукуматни қўллаб-қувватлаганликлари учун халққа миннатдорчилиқ изҳор қилиб, бу мадад «халқ оммаси далатни бошқаришда қатнашишга нақадар иштиёқманд эканлигидан» яққол далолат беради, деди.

САЛЬВАДОР—ГОНДУРАС МОЖАРОСИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 июль. (ТАСС). Икки ҳафтадан бери давом этаётган уруш ҳаракатлари муносабати билан Сальвадор ва Гондурас ҳукуматлари бир-бирларига норозилик билдирдилар.

Сальвадор Гондурасни унинг самолётлари чегара яқинидаги аҳоли яшайдиган пунктларни бомбардимон қилганликда айбламоқда. Гондурас эса бундай айблашни рад этиб, ўзининг даъвосини рўкач қилмоқда.

Сальвадор билан Гондурас ўртасида рўй берган «футбол уруши» тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқ учун Америка давлатлари ташкилотининг тузилган махсус воситачилик комиссиясининг куч-ғайрати туфайли эришилган ўт очишни тўхатиш 18 июлга мўлжалланган эди.

Аммо Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг Сан-Сальвадордан маълум қилишича, ҳар икки мамлакат ҳукуматлари ҳамон бир-бирларини сулҳни бузишда айблаб турибдилар.

Сальвадор қўшинлари Гондурас территориясининг ичкарисигача кириб бормоқда. Информация агентликларининг Тегусигальпадан [Гондурас] маълум қилишларига кўра Сальвадор Гондурас пойтахтига ҳужум қилмоқчи. Гондурас матбуот уюшмасининг баёнотида Сальвадор ҳукумати ўт очишни тўхатиш тўғрисидаги қарорни атайин бузганликда ҳамда Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари махсус комиссияси кенгашининг қарорини писанд қилмасликда айбланади.

Америка давлатлари ташкилоти комиссияси Сальвадор 29 июль эрталаб соат 7 гача Гондурасининг оккупация қилинган территориясидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши керак, деган қарор қабул қилди.

ИОРДАНИЯ. Исроил урушқоқларининг тўпдан ўққа тутиши натижасида Ал-Карамдаги қулаб тушган уйлар. 14 минг аҳолиси бўлган бу шаҳарча ҳозир бутунлай вайронага айлантирилган. Исроил босқинчилари турар жой биноларини, касалхона, почта ва мактабларни култепага айлантирдилар. Кишилар шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлишди. МТИ—ТАСС фотоси.



Суратда: Мурманскдан йўлга чиққан «Владивосток» музёрари. Бу улкан кема Совет Иттифоқининг буюртмаси билан Финляндияда қурилган. М. ПОПОВ фотоси, АПН.



Болгария Халқ Республикаси. Болгарияда 25 йиллик халқ ҳокимияти йилларида электр энергия ишлаб чиқариш 60 марта кўпайди. Бу ердаги электр станцияларнинг қўпчилиги Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган. Суратда: совет ва болгар мутахассислари ҳамкорлигида тикланаётган «Варна» иссиқлик электр станциясининг умумий кўриниши. Н. МИНАЕВ фотоси, АПН.

Г. ГУСАКНИНГ СОФИЯДА БЎЛИШИ

СОФИЯ, 29 июль. (ТАСС). Бугун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетида Болгария Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак билан учрашди.

БТА агентлигининг хабар беришича, учрашув вақтида ҳар иккала қардош партиялар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан, шунингдек, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг баъзи проблемалари юзасидан кенг фикрлашиб олинди. Музокаралар тўла ҳамжиҳатлик руҳида, дўстлик вазиятида ўтди.

ҲАР ТЎҒРИДА

УЙНИ... ОЛИБ КЕТМАСИН

АВСТРАЛИЯЛИК хоним Дейниза Фокс судга келиб, шикоят қилди:

— Эрим мендан ажралса майли-ю, лекин Австралиядан чиқиб кетмасин.

— Нега,— деб сўради судья,— жаноб Фокснинг эрки ўзида, У қонунга хилоф бирор иш қилгани йўқ, биз унинг Австралиядан чиқиб кетишини тақиқлаб қўя олмаймиз.

— Йўқ,— деб эътироз билдирди Фокс хоним,—у ўзи билан бирга уйимизни ҳам олиб кетмоқчи.

— Ажаб,— ҳайрон бўлди судья,— у қандай қилиб уйни кўтариб кетади?

Фокс хоним эри билан Ньюкасл портида бир яхта-қайиқда туришини, агар эри кетиб қолса яхтадан ажралиб, бошпанасиз қолишини айтди.

МУКОФОТ ЭГАСИГА ТОПШИРИЛДИ

АМЕРИКАЛИК 95 ёшли Жорж Шустерга яқинда минг доллар мукофот топширилди. Унга бу мукофот Нью-Йоркда ўтказилган машиналар пойгасида биринчи ўринни эгаллагани учун берилди. Гап шундаки, Шустер 1908 йилда ўтказилган пойгада биринчи ўринни эгаллаган. Мукофотни эса 61 йилдан кейин оляпти.

Нега Шустерга мукофот ўша пайтда берилмаган?

Чунки, у пайтда Шустер соғлиғи тўғрисида справка келтирмасдан, мусобақада иштирок этган экан. «Энди эса,— дейди судьялар коллегиясининг раиси,— Шустернинг соғлиғига шубҳамиз қолмади. Шу сабабли унга мукофотни беришни лозим топдик».

ОБ-ҲАВО

АВГУСТ ҲАВОСИ

Республикамизда август одатда иссиқ бўлади. Ойлик ўртача ҳарорат 23-28, жанубий областларда эса 27-30 даражага етади.

Бу йил августнинг ўзгачароқ келиши, ҳароратнинг одатдагидан 1-2 даража паст бўлиши кутилмоқда. Фақат Сурхондарё областининг жанубида ҳарорат нормага яқин бўлади. Ёғингарчилик ҳар вақтдагидек кам бўлиб, қисқа муддатли жала ёғиши мумкин. Фарғона водийсида ойлик ёғингарчилик 10-14 миллиметрга етади. Қорақалпоғистон АССР, Тошкент ва бошқа областларда намгарчилик 5 миллиметрдан ошмайди. Фарғона водийси, Сирдарё области ҳамда Тошкентда ёмғир одатдагидан кўпроқ ёғади. Пойтахтимизда бундан эллик йил аввал августнинг ана шундай ёмғирли бўлганлиги қайд қилинган эди. Бухоро ва Сурхондарё областининг жанубида ой давомида ёғингарчиликнинг деярли бўлмаслиги кутилади. 10-18 ҳамда 26-31 августларда ҳарорат кўтарилади. Иссиқлик кундузлари 33-38, кечалари 20-25 даражага етади. Жанубий районларда эса ҳарорат 39-40 даража бўлади.

В. ДАВЧЕНКО.
Катта инженер-синоптик.

МИНИАТЮРАЛАР

Леонас Клулейкис
(Литва)

ХУДДИ БИЗДАГИДАЙ

Малака ошириш учун Товуқни чет элга юборишди. У уйига қайтгандан сўнг илмий командировкасининг натижалари тўғрисида ахборот берди:

— Узоқ муддатли кузатишлардан кейин шундай хулосага келдимки, — деди у, — чет элдаги товуқлар ҳам худди биздаги каби тухум қилишаркан.

БУЛБУЛНИНГ САЙРАМАСДАН ИЛОЖИ ЙЎҚ

Булбулни шаҳарга йиғилишга таклиф этишди. У минбардан тушгач музокаралар бошланиб кетди.

Товуқ бошини сарак-сарак қилиб, томоғини қириб деди:

— Узларингизга маълумки, ҳамкасблар, сентиментал музикалар ҳозир модадан чиқиб кетмоқда. Унинг янги формаларини қидириш керак! Мана, масалан, илгари бирор кимса итнинг вовуллаши билан отнинг кишнашига аҳамият бермасди. Ҳозир бирорта джаз йўқ-ки уларнинг товуши қўшилмаган бўлсин...

— Ахир мен моллар учун сайрамайман-ку! — дея жавоб берди Булбул.

ПАРВО ҚИЛМАНГЛАР

Филни чумолилар иннига мудир этиб тайинлашди. У белгиланган жойга келиб, сўрабди:

— Нима қиляпсизлар бу ерда?

— Кичик габаритли уйчалар қуряпмиз,— дея жавоб беришди чумолилар.

— Парво қилманглар, — деди Фил. — Эрта эрталабданоқ менга уй қуришга киришасизлар.

ЭРТАК ЭМАС

Бўри бал-маскарадга ниқоб киймасдан келаверибди.

— Сен ким бўласан? — деб сўрабди қўй.

— Бўри!

— Шу ҳақдаги эртакни биламан, — дея маъраби қўй, — яхшиси мени рақсга таклиф қилсанг бўларди.

Рақсдан кейин улардан бири ғойиб бўлибди.

— Ҳаёт эртак эмас, — дебди бўри лабларини ялаб.

ЭШАК МИНБАРДА

— Сенинг қанчалик эшаклигингни била туриб кўп нарсани талаб қилмаймиз,— дебди юбилей кечасининг раиси. Йиғилган меҳмонларга юзланиб: «Хуш келибсизлар!» деган иборани айтсанг бўлгани.

Белгиланган пайтда эшак минбарга чиқиб, силкиниб-ди-да, чўнтакларини титкилайбошлабди. Ниҳоят, ҳеч нарса демасдан ух тортган ҳолда саҳнадан тушиб кетибди.

— Нимага энди оғзингни ҳам очмадинг? — дея унга ёпирилишди. — Икки оғиз сўз айтиш ҳам шунчалик оғир келдими?

— Текст ёдимдан кўтарилибди, — дея жавоб берди эшак.

ДИД ВА КАСБ

Мушук дарё соҳилида сувга қараб ўтирарди.

Тованбалиқ сузиб келиб ундан сўради:

— Нима бўлди, сўлакайинг оқиб кетибди, оч қолдингми?

— Йўқ, — дея жавоб берди Мушук. Шунчаки ялқовлайиб ўтирибман. Ҳозир мен яхшигина пенсия оламан ва фақат қизил балиқ истемол қиляпман.

— Ола, ҳали шунақами— дея ажабланди Тованбалиқ.

— Думингни чиқар, — деди Мушук. — бир ҳидлаб боқайчи...

— Пенсия пенсиялигича, —деди Мушук Тованбалиқни ютиб бўлиб, — бироқ касбни ҳам ҳурмат қилиш керак.

Русчадан Т. УНАБОЕВ таржимаси.

Редактор ўринбосари:
Х. ЁДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар, 9.30 — Романслар, 10.30 — Фортепьяно ва оркестр учун концерт, 11.15 — «Халқ контроли — амалда», 11.30 — Қўшиқлардан куйларга, 13.30 — СССР Большой театри скрипкачиларининг концерти, 15.15 — Музика маданияти университети, 16.10 — РСФСР ва Ўзбекистон санъат усталарининг концерти, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Симфоник куйлар, 18.00 — «Беш йиллик кишилари», 18.10 — «Улуғбек» операсидан парчалар, 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.40 — Қўшиқлар, 21.00 — «Капиталистик дунё ички қарама-қаршиликларининг кескинлашуви» (суҳбат), 21.10— Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун), 21.30 — Москва. РСФСРда ўзбек маданияти декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар.** 18.50 — **Чол ва турна** (болалар учун мультфильм). 19.00 — М. Горький. **Матвей Кожемякиннинг ҳаёти** (телевизион бадиий фильмнинг учинчи серияси). 20.10 — **Кўрсатишлар программаси ва реклама.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телеянгиликлар.** 20.35 — Халқ талантлари **Назиржон Назаров.** 21.25 — **Ишчи — фахрли ном** (телепрограмма).

22.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — **Бўғирсоқ** (болалар учун кинофильм). 18.10 — **Янги кема — Телефильмлар.** 18.40 — **Совет киносининг 50 йиллиги олдидан. Ижодий камолот** (рус тилида).

19.45 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — **Чорраҳа** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — **Классик музика саҳифаларида.** 20.30 — **Бразилиянинг қизил тупроғи** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 20.30 — **Кинофильм.** 21.20 — **Тугалланмаган симфония** (фильм-спектакль).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Йигит ва қиз — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Қор аёл ҳақида афсона—«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1-20, 5-20 минут ва кеч 7 да).

Оқ рояль — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-40 минут, кундуз 1 ярим, 3-15 минут ва 5 да).

Сокин кварталдаги қотиллик—«ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Доктор Абст тажрибаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эрамиздан миллион йил илгари — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда).

Узбекистон ССР Маориф министрлиги
РЕСПУБЛИКА МУЗИКАЧИЛАР ТАРБИЯСИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ
1969/70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Умумтаълим мактабларнинг 4 синфини тугатган, музикага ҳаваси бўлган ўғил болалар қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган болалар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Мактабни тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ҳамда миллий ва ёғоч чолғу асбоблар, аккордеон класси бўйича маълумот оладилар.

Мактабга кирувчилар директор номига ариза, турар-жойидан (онла аъзолари кўрсатилган), ота-оналарининг иш жойидан (маошлари кўрсатилган) справкалар, метрика (асли), 1, 2, 3, 4-синфлардаги ўзлаштириш табели, мактабдан характеристика, иккита фотосурат (3х4 см), медицина справкасини топширадилар.

Ҳужжатлар 20 августгача қабул қилинади.

Мактаб-интернатга кирувчилар она тили (диктант), арифметика (ёзма), музика бўйича имтиҳон топширадилар.

Имтиҳонлар 20 дан 25 августгача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ленин номли колхоз (104, 120-автобусларнинг Ленин номли колхоз бекати).

ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1969—1970 ўқув йили учун инглиз, немис, француз тиллари бўйича кечки, сиртқи ва кундузги бўлимлари ҳамда испан тили бўйича кундузги бўлим биринчи курсига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга тўлиқ ўрта маълумотли, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, конкурсдан ўтган кишилар 33 ёшгача қабул қилинади.

Ўқиш муддатлари: ўзбек тилида ўқитиладиган группаларда — 5 йил, рус тилида ўқитиладиган группаларда — 4 йил.

Кирувчилар чет тили (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма ва оғзаки) СССР тарихидан имтиҳон топширадилар.

Аризага маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика, иш стажи бўлганлар меҳнат дафтарчаси, колхозчилар — колхоз дафтарчаси, медицина справкаси, тўртта фото сурат (бошқийимсиз, 3х4), иш жойидан справка (кечки ва сиртқи бўлимга кирувчилар) қўшиб топширилади.

Паспорт, ҳарбий билет, ёки прописка гувоҳномалари шахсан кўрсатилади.

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 115, Муқимий кўчаси, 104-уй.

ЧИРЧИҚ ШАҲАР 13-ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

химия аппаратлари йиғувчиси, қолипчи, механика-йиғув ишлари слесари, тўкарь (ўқиш муддати бир йил), **электр-газ пайвандчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь** (ўқиш муддати — 2 йил) касблари бўйича

1969-70 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15-17 ярим ёшдаги йигит ва қизлар, шунингдек ҳарбийлар. Совет Армияси сафидан бўшаб келганлар қабул қилинади.

Ўқувчилар иссиқ овқат, кийим-бош, ётоқхона, ишлаб чиқариш, таълими вақтидаги иш ҳақларининг 33 процента билан таъминланадилар.

Билим юртини «аъло» тугатганлар олий ўқув юртига конкурссиз кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт (16 ёшга тўлмаганлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномани топширадилар), 8—10 синфни тугатганликлари ҳақида гувоҳнома, турар-жойларидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, олтита фотосурат (3х4).

Қабул комиссияси ҳар куни эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача ишлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Чирчиқ шаҳри, Советская кўчаси, 24-уй. Телефонлар 38-52, 38-54, 36-55.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги коллегияси, Республика алоқа ходимлари касаба союз комитети Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги кадрлар бошқармасининг катта инженери

Дилшод ЗИЯУТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошларига, яқин танишларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот Давлат комитети, Ўзбекистон журналистлар Союзи, маданият ходимлари Республика касаба союз комитети «Ўзбекистон» нашриётининг директори Ф. Ю. Юнусовга акаси

Ибодулла ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекистон» нашриёти коллективи нашриёт директори Ф. Ю. Юнусовга акаси

Ибодулла ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар —338679, 333553. Иллюстрация —334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 3381 42. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252 330253, 330254 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон —43—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Ўрганч 34—55.

№ Б. — 176. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 01601